



IMPROVING PEDAGOGICAL SKILLS THROUGHOUT LIFE LEARNING

Ubaydulla Akhrorovich Kosimov

Head of the Department of "Pedagogy and Psychology,
Educational Technologies" of the Bukhara Regional Center
for Retraining and Advanced Training of Public Education,
Candidate of Psychological Sciences

Uzokov Orif Khamroevich

Ph.D. Department of technological education, Bukhara
State University Bukhara city UZBEKISTAN

Abstract:

The article provides a detailed analysis of the issues of improving pedagogical skills based on the principle of lifelong learning and a competent approach. The quality of the educational process, the effective introduction of innovative advanced pedagogical and information and communication technologies in the educational process depends in many respects on the skills, knowledge, creativity, culture, its socio-psychological qualities and conclusions and recommendations.

Keywords:

Continuity of education, competency approach, innovation, self-development, innovative activity

Ҳақиқатда бугунги кунда таълим парадигмаси ўзгармоқда, дунёнинг ривожланган давлатларида таълим стандартлари, ўқув дастурлари “Бутун ҳаёт давомида таълим олиш” принципи ва компетенциявий ёндашув асосида педагогик маҳорат такомиллаштирилмоқда. Асосий мақсад - ўқувчи фақат эгалланган билим ва кўникма, малакаларни ўзлаштириш билан эмас, балки ундан мустақил равишда шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиши ва ҳаёти давомидаги турли ижтимоий муносабатларда оқилона фойдалана олиши жоиз. Ўқитувчиларга эса мазкур ёндашув асосида баҳо берганда “касбий педагогик маҳорат ва компетентлилик даражаси” атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизда таълимнинг узлуксизлиги, баркамол шахсни шакллантириш учун тарбиялашга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, умумий ўрта, ўрта- махсус, касб-ҳунар таълимида ўқитиладиган умумтаълим фанлари мазмунининг изчиллигини, алоқадорлигини, узвийлигини таъминлаш мақсадида таянч компетенциялар ҳамда ҳар бир ўқув фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда хусусий компетенциялар белгиланган. Яъни коммуникатив, ахборот билан ишлаш, умуммаданий, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш учун илмий салоҳиятга эга бўлган тажрибали, маҳоратли педагог ва олимларни кенг жалб этиш зарур бўлади. Бу ўз навбатида ўқувчиларда эгаллаган билимларини ҳаётда амалий қўллай олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш ҳамда онгли равишда касб-ҳунар танлаш, шахс сифатида доимий равишда ўз-ўзини

ривожлантириш, жисмоний, маънавий, рухий ва интеллектуал камолотга интилиш кўникмалари тўлиқроқ шакллантирилиши имконини бера олади.

Таълим-тарбия жараёнининг сифати, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни самарали жорий этилиши кўп жиҳатдан педагогнинг маҳорати, инноватив фаолияти ва ўқувчиларни баҳолашда замонавий хорижий баҳолаш тизимидан самарали фойдаланишига боғлиқ бўлади.

Айтиш жоизки, ўқитувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини, методик эҳтиёжини, ўқувларнинг мониторингини, уларнинг самарадорлиги ва амалда қўллашнинг қулайлигини турли анкета ва сўровномалар асосида аниқлаб, тегишли тавсия ва таклифларни тақдим этиш механизми тўлиқ йўлга қўйилса, мазкур жараён сифатини янада ошириш имкони очилади.

Бунинг учун қатор вазифаларни амалга ошириш керак, жумладан, фанлар кесимида мавжуд муаммолар ва ўқитувчилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, тажрибали ва маҳоратли ўқитувчиларни таълим муассасаларига, ўқитувчиларга бириктириш мумкин. Натижада эса, тажрибадан ўтган технологиялар йўналишлар бўйича туркумлаштирилиб ўқитувчиларга етказилади ҳамда амалиётга жорий этилади.

Барчамизга маълумки, таълим-тарбия жараёнининг сифати, ўқув-тарбия жараёнига инноватив илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни самарали жорий этилиши кўп жиҳатдан педагог маҳорати, билимдонлиги, ижодкорлиги, маданияти, унинг ижтимоий-психологик сифатларига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги глобаллашув даврида касбий ва шахсий фаолиятимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, тизим мутахассислари, ўқитувчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда методик хизматни ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий онлайн тарзда самарали ташкил этиш зарурати мавжуд. Ўқитувчиларни масофавий мустақил ишлашга йўналтириш орқали узлуксиз касбий малакалари муттасил ошириб борилади.

Бунда илғор иш тажрибасига эга креатив ўқитувчилар илғор педагогик технологияларга асосланган ўз дарс ишланмаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашиши, мунозара юритишлари мумкин бўлади. Натижада, онлайн ва офлайн режимларида ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибалари тезкорлик билан оммалаштирилади, тизимдаги ходимларнинг методик эҳтиёжларини аниқлаб, уларга масофадан услубий ёрдам берилади.

Ҳозирда таълим устуворлиги, таълим сифати, мазмуни ва тузилиши ўзгармоқда, янги стандартлар жорий этилмоқда, таълим сифати ривожланишнинг янги, янада юқори босқичига кўтарилмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида таълим тизимига янги чакка юксак эътибор ва таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган янги туб ислохотлар далиллайди. Кейинги йилларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия стратегияси жадал равишда амалга оширилмоқда, таълим тизимида инновацион фаолликнинг тезлашуви кузатилмоқда.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ахборот коммуникацион технологиялар, ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан тез ривожланиши таълим тизими ходимларидан таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали замонавий педагог маҳоратини оширишни талаб этиб, ҳар бир тизим ходими, айниқса ўқитувчилар зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди.

Умумий ўрта таълим муассасалари таълим жараёнига инновацияларни татбиқ этиш ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятдан бошланади. Чунки ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнининг етакчиси, ташкилотчиси бўлиб, унинг педагогик маҳорати,

инновацион маданияти, ташаббускорлиги, ижодий фаоллиги, креатив фикрлаши, креативликка бўлган интилиши таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Инновациялар илмий-амалий жиҳатдан асосланган, бирон-бир соҳада аниқ мақсадга қаратилган ҳамда амалий татбиқ этишга йўналтирилган юқори самарадорликка эга янгилик ҳисобланади. Шунинг учун самарали натижага эришиш мақсадида таълим-тарбия жараёнига янгиликлар, ижобий ўзгаришлар киритиш ҳозирги даврнинг кескин талабидир.

Педагогик фаолиятда инновация педагог маҳоратини такомиллаштиришга йўналтирилган, ҳар томонлама пухта режалаштирилган, ўқув жараёнига мақсадли киритилаётган янги таълимий амалиёт (янги тартиб, услуб, метод, методология, технология ва бошқ.) ҳисобланади. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топиши мумкин:

- инновациялар доимо долзарб муаммонинг янги ечимини ўз ичига олади;
- улардан фойдаланиш янги сифатли натижаларни олиш имконини беради;
- инновацияларни татбиқ этиш тизимдаги барча компонентларнинг сифатий ўзгаришларига олиб келади.

Педагогларнинг маҳорати ва инновацион маданиятини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад - сифатли таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш орқали самарадорликка эришишдир.

Ўқитувчиларнинг доимий янгиликка интилиб, билим ва малакасини оширишга қаратилган инновациялар сифатида “етиб ол ва ўзиб кет” инновацияси ўқитувчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш орқали ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга йўналтирилган бўлса, “энг катта ҳисса – бўш ўқувчи ўзлаштирса” инновацияси бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан тизимли ишларни ташкил этиш орқали ўқувчиларни, айниқса бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни ўз фанидан билим олишга қизиқтиради ва фанларни ўрганишнинг инсон ҳаётидаги ўрни, кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ечимини топишдаги аҳамиятини тушунтиради. “Электрон кўз – яхши дарсга дўст” инновацияси эса замонавий АҚТ воситалари ҳамда видеокузатув мосламаларидан дарс ва машғулотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш жараёнида фойдаланишга йўналтиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда замонавий ўқитувчининг маҳоратини ошириш мақсадида педагогик инновацияларни амалиётда самарали жорий этиш қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо қилади:

Биринчидан, ҳар бир таълим жараёни иштирокчиси ва мутахассислари, таълим муассасалари раҳбарлари, хусусан, ўқитувчилар инновацияларни амалиётга жорий этишни ўз педагогик фаолиятларининг мазмун-моҳиятига айлантиришлари лозим;

Иккинчидан, ўқитувчиларнинг педагогик ўзини ривожлантириш фаолияти (индивидуал ривожланиш дастури асосида) улар томонидан педагогик қадриятлар, ижодкорлик, изланувчанлик фаолиятини мустақил эгаллашга йўналтирган ҳолда ўқитувчиларнинг дарс жараёнини педагогик технологиялар асосида самарали ташкил этиш зарурлигини англаган ҳолда дарсларга олдиндан пухта тайёргарлик кўришлари шарт;

Учинчидан, таълим муассасалари раҳбарлари ва жамоаси инновацион педагогик жараёнларни олдиндан режалаштиришлари, инновациявий таълим муҳитни вужудга келтириш шарт-шароитларини яратишлари жоиз;

Тўртинчидан, таълим муассасаси раҳбари ва педагогларига педагогик инновацияларни татбиқ этишни объектив баҳолаш учун ўқувчилар билимларини замонавий илғор хорижий баҳолаш тизимидан фойдаланиш малакаларига эга бўлишлари шарт;

Бешинчидан, педагогик жамоада ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёргарлигини ривожлантириш, касбий фаолиятини инновацион педагогик жараёнларга йўналтириш, уларни педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш, татбиқ этиш ва оммалаштириш жараёнларига жалб этишда узлуксиз методик фаолиятни самарали йўлга қўйиш зарур.

Фойдаланилган Адабиётлар / Список Литературы / References

1. U.A. Kosimov. "Improving the system of professional development is a requirement of the period", AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH, ISSN: 2690-9626 Vol. 1, No.6, November-December 2020, pages 31-39
2. U.A. Kosimov. may-2020 International Journal Applied Research ISSN Print: 2394-7500 ISSN Online: 2394-5869 Impact Factor: 5.2 IJAR 2020; 6(5): 98-101 www.allresearchjournal
3. "The role of determining the representative system of pupils in increasing educational efficiency", pages 98-101
4. U.A. Kosimov. International Journal of Advanced Academic Studies Peer Reviewed Journal, Refereed Journal, Indexed Journal P-ISSN: 2706-8919, E-ISSN: 2706-8927, Impact Factor: RJIF 5.12, "The role of determining the representative system of pupils in
5. increasing educational efficiency", pages 218-220
6. U.A. Kosimov. "Психология XXI столетия"- (Ярославл, 2020)/ Под ред. Козлова В.В. –Ярославл, ЯрГУ, ЯГПУ, МАПН, апрел-май 2020, "Роль внедрения проектной деятельности в учебный процесс при осознанному и правильному выбору профессии", стр 166-169
7. U.A. Kosimov. International scientific-practical conference: Tajikistan Pedagogy Institute, (Panjikent), March 19, 2019, Vestnik Institute / Sokrovishchnitsa nauki " magazine, № 1/1, 331-339 pages, "Effectiveness of project training in all types of training"
8. U.A. Kosimov. "Distance learning or advanced training" - Bukhara, Talent Publishing house (methodical manual) 2011.
9. O.H.Uzoqov, D.A.Sayfullayeva Methods for assessing the knowledge of students when learning special subjects Проблемы современной науки и образования, S.36-39.
10. O.H.Uzoqov The emergence of chaos International Journal of Advanced Academic Studies.18-03-2020 221-223
11. Uzokov O.X. CHAOS as the Basis of Order. Entropy as Measures of CHAOS. International Journal of Advanced Research in science, engineering and technology. Vol.7, Issue 12, December 2020. p. 16149-16154
12. O.N. Muhidova Methods and tools used in the teaching of teaching of technology to children // Theoretical & Applied Science, 957-960
13. O.H. Мухидова Компетентностный подход к развитию профессиональной деятельности учителя // Вестник науки и образования 97 (№ 19 (97). Часть 2), С 88-91
14. O.H. Мухидова Электронное обучение в высшем образовании // Вестник магистратуры, С 43-44
15. Halimovna, K. S., Nurilloevna, M. O., Radzhabovna, K. D., Shavkatovna, R. G., Hamidovna R. I. The role of modern pedagogical technologies in the formation of students' communicative competence. // Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades 4 No. 15 (2019): Special Issue May 261-265.